

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 195 (1973). 3 октябрь, сешанба, 1961 йил. Баҳоси 2 тийин.

ЎЗКОМПАРТИЯ XVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАЙЛИК

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XVI съезди ўз ишчи муваффақияти тугаллади. Съезд муҳокама қилинган ҳамма масалалар юзасидан резолюция қабул қилди. Делегатлар партиянинг янги Програма ва Ўстави проектларини кенг муҳокама қилиб, ўз фикрлари ва мулоҳазаларини айтиди ва қизгин маъзуллади. Съездда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг ҳисобот даридаги ишнинг қониқарли деб топилди.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XVI съезди партия ташкилотларининг жағи оғир барилиги ошганлигини, коммунистларнинг антилги ўстанлигини, партиянинг оммаси билан алоқаси муштамланганлигини, КПСС ленинчи Марказий Комитети атрофида янада маҳкам жипслаганлигини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатди.

Съезд шунини алоҳида қай қилиб кўрсатдики, қаҳрамон, ижодкор халқимиз жонанон Коммунистик партияси билан биргаликда, унинг доно раҳбарлигида парол қилиб истифода қилинган, коммунизм бўлган шахам қидамлар билан олға бораётган. Марксизм-ленинизмнинг революцион, ҳаётбахш таълимоти, ленинча доно миллий сийбат республикаси экономика ва маданиятини бениҳоя тез суръатлар билан юксалишини таъминламоқда, меҳнаткашларни юксак коммунистик идеаллар руҳида, дўстлик, қардошлиқ, интернационализм руҳида тарбиялаш имконини бермоқда.

Ўзбекистон меҳнаткашлари Коммунистик партиянинг томонидан ишлаб чиқилган улуғ режаларни, КПСС XVI съезди ва партия Марказий Комитети Пленумларининг тарихий қарорларини амалга олира бориб коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида катта ютуқларни қўлга киритди. Ўзбекистонда саноат, аввало оғир саноат янада юксалди. Янги маҳсулотнинг йиллик ўртача ўсиши машинасозликда 15 процент, электр энергияси ҳисоли қилишда 14 процентни ташкил қилди. Республикаси «катта кимё» ўлкасида айланмоқда. Машинасозлик саноатини қўлғига янги машиналар, айниқса пахта териш машиналарини қўлаб ишлаб чиқараётган. Области саноати айниқса тез юксалти.

Қишлоқ хўжалиги ҳодимлари аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат учун қомалб мулк-қўлчиларини вужудга келтириш, партиянинг ишлаб чиқариш таъдирларини амалга ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ўртоқ Отто Вильгельмович КУУСИНЕНГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Сизни, улуғ Лениннинг содиқ шогирдини, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг қўлға кўрилган арбобини, саксон ёшга тўлган кунингиз билан самийий таъриб қилайди.

Сиз ўзининг бутун оғли ҳаётингизни ишчилар синфининг помешчиклар ва капиталистлар зулмига қарши қаратилган иш учун курашга бағишлагингиз. Сиз партия ва давлат ишларидаги ҳамма вазифаларда ўз куч-қувватингизни, билимларингизни ва катта ҳаётий тажрибангизни коммунизмнинг улуғ ишига садоқат билан сарфлаб келдингиз ва сарфламоқдасиз.

Азиз дўстингиз ва ўртоғингиз Отто Вильгельмович, меҳнаткашлар бахт-саодати йўлида Сизнинг кўп йиллар сиҳат-саломат бўлишингизни ва самарали ишлаб беришингизни чин юракдан тилаймиз.

СССР ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ ФАРМОНИ
Ўртоқ О. В. Куусиненга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш тўғрисида

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ О. В. Куусинен тугилган кунининг саксон йиллиги муносабати билан ҳамда унинг Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматларини таъриблай, Ўртоқ Отто Вильгельмович Куусиненга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериб, Ленин ордени ҳамда «Уроқ ва Болға» олтин медали топириласин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль. 1961 йил 2 октябрь.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль. 1961 йил 30 сентябрь.

Кимлар олдида, кимлар орқада

Областимиз пахтакорлари кейинги кунларда суръатни тобора жадаллаштира бориб, фарғоналиклардан ўзиб кетдилар. Кечаги кунгача пахта тайёрлаш йиллик планини 83,18 процентга етказган юқори чирчиқликлар ҳамон карвонбоши бўлиб келмоқдалар.

1 октябрь кунини ҚУИИ ЧИРЧИҚ райони йиллик планини 4,03, ОРЖОНИКИДЗЕ райони 2,62, УРТА ЧИРЧИҚ райони 2,37, ЯНГИЕР райони 2,36 проценти миқдориди пахта тайёрлаб, областда энг яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Бироқ, областимизда ҳали секин одим таълаётган районлар бор. Мана, Сирдарё районини олиб кўрайлик. Бу район 29 сентябрь кунини давлатга 1192 тонна пахта сотиб йиллик планга 2,09 процент қўшган эди. Аммо, 1 октябрга келиб шундан 162 тонна кам пахта терилди. Кунлик график 1,80 процентга тушиб қолди. Худди шундай орқага қайтиш ҳолини Оққўрғон районида ҳам кўраимиз. Бу район 29 сентябрь кунини 1,95 процент миқдориди пахта тайёрлаган эди. 1 октябрь кунини келиб бу рақам 1,82 процентга тушиб қолди.

БЕКОБОД, ГУЛИСТОН, КОМСОМОЛ районлари областимизнинг салмоқли пахтакор районларидир. Бироқ областимиз ҳар кунини 2 процентдан ошириб пахта тайёрлаётган бир пайтда бу районлар ҳанузгача икки процентга етиб ололмаптилар. Агар ана шу районларнинг пахтакорлари ғайратга-ғайрат қўшишса, район ва колхоз, совхозларнинг раҳбарлари ташкилотчиликни, таблачанликни сира бўшаширмасалар, областимизда яна ҳам кўп пахта тайёрлаш мумкин.

Пахтакор ўртоқлар!
Шу кунларнинг ҳар бир дақиқаси гавҳар билан тенг. Ана шу ғанимат фурсатни қўлдан бой бермай, ҳар кунини имкони борича кўпроқ «оқ олтин» териб олайлик!

Гвинея халқига табрик

МОСКВА. 1 октябрь. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрущёв ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Гвинея Республикасининг миллий байрами — Мустандлик кунини муносабати билан Гвинея халқини совет халқи номидан самийий табриқладилар.

Гвинея Республикасининг Президенти ва Ҳукумат раиси Секу Турега юборилган телеграммада Гвинея Республикасининг тинчлик, саноат, қишлоқ хўжалиги планларини ўзисиз бажарилишини таъминлашлари лозим. Меҳнат зафарлари, ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларга эришиш — партиянинг сўзга энг яхши совғасидир.

«Ўзбекистон Коммунистик партияси XVI съезди» — дейилди съезд қатнашчиларининг КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Н. С. Хрущёвга юборган мактубида. — КПСС Марказий Комитетини ва шахсан Сиз, азиз Никита Сергеевични ишонтариб айтишда, Ленин байроғига, социалистик интернационализмнинг олижаноб идеяларига ҳамisha содиқ бўлган республика партия ташкилотини Ўзбекистон меҳнаткашларининг кўнайиб бораётган ижодий активлигига моҳирлик билан бошчилиқ қилди ва бу ижодий активлигини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси янги Программасининг улуғвор режаларини муваффақият билан амалга оширишга йўллайди.

Ўзбекистон Коммунистик Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети пахта териш ҳамда давлатга топиридан юзасидан областлар ўртасидан социалистик мусобақанинг сентябрь ойи учинчи ўнқиллиги якунига доир Ўзбекистон ССР Халқ хўжалик кенгаши ва Тайёрлаш министрлиги тақдим этган материалларни қараб чиқди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Самарқанд областида берилади (Ўзбекистон КП област комитетининг секретари Ўртоқ Маҳмудов, област ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Юсуфов, област комсомол комитетининг секретари Ўртоқ Мақсудов, област совхозлар трестининг бошқарувчиси Ўртоқ Руқийи, област тайёрлаш бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ Новоселцев, «Узсельхозтехника» област бirlашмасининг раиси Ўртоқ Этамбердиев, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси Ўртоқ Нормухамедов), бу област пахта тайёрлаш йиллик планини 37,92 процент, машина терими юзасидан мажбуриятини 13,10 процент, пахта ил-қанорси ташин мажбуриятини 33,14 процент бажарган ва сентябрнинг учинчи ўн қувлигида давлатга йиллик планини 19,36 проценти миқдориди пахта топириган, кўчма Қизил байроқ Андижон областида олиб берилади.

Пахта териш ва уни давлатга топиридан илгор бўлган колхоз ва совхозларга сотиш учун Самарқанд ва Тошкент областларининг ижроия комитетлари ихтиёрига 5 тадан юк автомашинаси ажратилди.

«Советская Киргизия» газетасини Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Киргизистон меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш ҳамда уларни хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини муваффақият билан бажаришга сафарбар қилиш соҳасидаги кўп йиллик самараларини ишчи учун, ўн минггичи сонининг чиқиши муносабати билан, «Советская Киргизия» республика газетаси Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль. 1961 йил 30 сентябрь.



Ўрта Чирчиқ районидаги Максим Горький номи колхозининг 7-бригадаси теримчиси Каромат Сулаймонова шу кунларда зўр ғайрат кўрсатаётган. У эл хирмонига ҳар кунини 200 килограммдан ошириб пахта тўқмоқда. Суратда: К. Сулаймонова пахта-зорда. М. Шевелев фотоси.

ҲАРАКАТСИЗ МАШИНАЛАР

Сирдарёда машина теримига эътибор берилмаётган

Сирдарё районининг колхоз ва совхозларида бу йил 8,5 минг гектар ердан 15 минг тонна пахта машиналар ёрдамида териб олинсини керак. Статистика бўлимидаги маълумотларга қараганда, бу шарофти вазифанинг уздаганин чиниш учун совхоз ва колхозларда 177 та қудратли машина бор. Агар ана шу машиналар тўла ишга туширилса, уларнинг увули ишлаши таъминланса эл хирмонига ҳар кунини 250 тоннадан ортиқ «оқ олтин» тўқилиши мумкин.

«Малик» тажриба хўжалигининг долдир бригада бошлиғи, гвардиячи механикаторлар ташаббускорларидан бири Ўртоқ Жаовд Қўчнов ана шу оруни амалга ошириш тўғрисида пахта далаларида жавлон уряпти. У, ҳар кунини ўз агрегати бунеридан хирмонга 7—8 тоннадан пахта тўқмоқда. Моҳир механик-ҳайдовчининг шогирди Ўртоқ М. Гасановнинг довури ҳам сирдарёликлар ўртасида кенг ёйилмоқда. М. Гасанов ва унинг қасбдошлари Б. Суфиев, Б. Гасанов ўртоқларнинг ҳалол меҳнатлари туфайли йилнинг терим суръати кундан-кунга оғир бораётган.

Райондаги Ленин номи колхозининг механик-ҳайдовчиси Ўртоқ Хулқар Иброҳимова сўзсиздан пахтасида туриб ишлаб, ўз агрегати билан кўпроқ пахта териш учун ҳаракат қилмоқда. «Қизил Октябрь», Сталин номи, Тарас Шевченко номи колхозларида ҳам машина теримига дуруст эътибор берилган.

Бироқ районнинг бир қатор колхозларида машина билан пахта теришга етарли эътибор берилмаётган. Ахир колхозларда мавжуд бўлган 123 та машинадан 106 таси ремонтдан чиқарилганлигини, шулардан фақат 50 тасини ишлаётганлигини нормал бир ҳол деб бўладими? 17 та колхоздан фақат 5 тасидигина машина теримига киришилди. Бундай аҳволда машина терими юзасидан берилган топиридининг бажарилишига ишонин қийин.

Биз районнинг «1-Май» колхози далаларида бўлганимизда правление раисининг механизация бўйича ўриб-босари Ўртоқ В. Эмроқовдан: «Пахта териш агрегатлари сифатли ремонтдан чиқарилган, фақат буйруқ кўлиб турибмиз, агар юқоридан шу бугун теримга тушинглар дейишса биз тайёрмиз» деган сўзларини эшитдик.

Текшириш натижасида Ўртоқ В. Эмроқовнинг сўзлари ҳақиқатга тўғри келмаслигини аниқладик. 6 та терим машинаси ва курак ҳувийдаги жойидан қимирламай турганлигини кўрдик. Механик-ҳайдовчилардан бири машинанинг у-бу қисминини мойлаш билан оғира экан.

— Машинанинг ремонт қилинганми, — сўрадик механик-ҳайдовчи Ўртоқ Т. Холмухамедовдан.

— Машинани мен ремонт қилган амасман, — жавоб берди у, — тайёр дейишад.

— Моторини юргизингчи, — деди район сельхозтехника бўлимининг директори Ўртоқ В. Шкода.

— Мотори ишламайди, сув тўқилибди, — жавоб берди механик-ҳайдовчи.

Биргина бу машина эмас, механик-ҳайдовчи Ўртоқ М. Арслонова биркиртган машинанинг мотори

Машина теримининг шунақаси ҳам бўлади. М. Воробейчиков чизган расм.



